



ИШОНЧ

УШБУ СОНДА:

2-бетда
УЙДА ТИНЧИ БЎЛСИН ОДАМНИНГ

3-бетда
АНГЛАМАЙ ЎКИМОК БЕСАМАРДИР

4-бетда
ГАВҲАР ШОД БЕГИМ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

7 май, пайшанба 1998 йил №53 (555)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

5 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон КАРИМОВ давлат ташири билан Россия Федерациясига келди

6 май куни давлат ташири билан Москвада меҳмон бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйди.

Кремлнинг мухташам Катерина залида мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ислон Каримовга Россия Федерацияси Президенти Борис Елцин пешвоз чиқди. Ўзбекистон ва Россия Давлат махфиялари янгради.

Икки мамлакат давлат раҳбарларининг юзма-юз суҳбати бўлди. Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳоли, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўллари, Марказий Осиёдаги ўзгаришлар, Тожикистон ва Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси расмий делегациялари иштирокида кенгайтирил-

ган таркибдаги музокара-лар бўлиб ўтди. Мулоқотлар сўнггида икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир неча ҳужжат имзоланди. Жумладан, икки мамлакат ўртасида Ил-76 русумли самолётларни бир-галликда яратиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ҳужжатни Президентлар Ислон Каримов ва Борис Елцин имзоладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислон Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раиси С.Кириенко билан учрашди. Шунингдек, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодий Академиясига ташири буюриб, Академия раҳбарлари ва илмфаномонадлари вакиллари билан суҳбатлашди.

Ислон Каримовнинг Россияга давлат ташири давом этмоқда.

/ЎзА/

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини рағбатлантириш тўғрисида 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалаба кунининг байрам қилиниши муносабати билан ва уруш иштирокчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши ноғиронлари ва иштирокчиларига 1500 сўм /иккита энг кам иш ҳақи/ миқдорига бир марталик пул мукофоти белгилансин.
2. Ушбу фармонини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун маблағ республика бюджетига ҳисобидан ажратилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мазкур пул мукофоти тўлашнинг таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1998 йил 5 май.



Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати ва ақсил-толибон Иттифок вакиллари ўртасидаги Исломо-бод уршуши икки кунлик танаффусдан сўнг давом эттирилиши керак эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича махсус топширигини ба-жараётган Жеймс Нгобининг айтишича «Толибон» вакиллари навбатдаги учрашувга келмаганлар. «Толибон» раҳбарияти Покистон пойтахтидаги музокаралар бўлиб ўтаётган ҳукумат уйига фақат битта вакилини — Абдулҳаким Мужоҳидини юборган. Мужоҳидининг баёнотида кўра, Исломо-бодда муҳокама этила-дан мавзу «қолмаган эмиш. Ақсилтолибон Иттифок вакиллари ил-тигайишча, «Толибон»нинг бу хатти-ҳаракати Афғонистонда тинчлик ўр-натилиши орқага су-ради.

Америка Қўшма Штатлари вице-президенти Альберт Горнинг Яқин Шарқда расмий ташири нихосига етди. Ташири доирасида У.Фаластин Мухторияти раҳбари Есир Арофат ҳамда Исмоил Бош вазири Бена-йин Нетаньяху билан учраш-ган. Альберт Гор ҳар икки учрашувда Яқин Шарқ му-зокаралари натижасига катта умид боғлаётганини айтган.

Лондонда эса Исроил ва Фаластин музокара-лари нихосига етди. Му-зокарада Яқин Шарқ-да барқарорликни таъ-минлаш, Исроил ва Фа-ластин ўртасида тинчлик ўр-натилиши масалалари му-ҳокама этилди. Фаластин раҳбари Есир Арофатни-нг баёнотида кўра, му-зокарада вазирлик қи-яни Яқин Шарқдаги ва-зиятни барқарорлашти-риш ишига муносиб ҳис-са қўшган. Олбрайтнинг маълум қилишича, Ис-роил ва Фаластин му-зокараларининг навбатда-ги босқич АКШ Президенти Билл Клинтон такли-фига кўра 11 май куни Вашингтонда ўтади.

Форс кўрфазига мамлакат-лари бўйлаб сафар қила-ётган Америка Қўшма Штат-лари Сенатининг етти аъ-зо-сидан иборат делегация Кувейт шайхзадаси ва Бош вазири Сауд ал-Абдула то-монидан қабул қилинди. Шунингдек, Америка се-на-ти аъзолари Саудия Араби-стони ва Бахрайн давлат-лари ҳам ташири буюрди-лар.

Америка Қўшма Штат-лари ҳукумати Эрон, Ироқ, Сурия, Ливия, Су-дан, Куба ва Шимолий Корея давлатларини хал-қор тевроҳчиликни ку-чайтиришга айблади. АКШ ҳукуматининг тевро-ҳчилик тўғрисидаги ай-б-лиқишча, Эрон тевро-ҳчиликни ўтган йили 13 та қотилликга қўл урган. Эрон Исроил билан жан-г қиладиган араб партиза-нларини уқитиб, мабла-ғ ва қурол-яроғ билан таъминламоқда. Эрон Президенти Мухаммад Хатами эса Американи-нг айб-лиқига қатъиян рад этган.

Россия Бош вазири Сер-гей Кириенко мамлакат ҳу-куматининг раёсатини ту-зиш ҳақидаги қарорга им-зо қилди. Россия ҳукумати ра-ё-сати саккиз кишидан и-борат бўлади. Унга Бош ва-зирнинг ўзи, унинг уч на-фар ўринбосари ҳамда иқ-тисодий, молия, давлат мулки ҳамда маданият ва таълим вазирлари қиради-лар.

Франциянинг Страсбу-рг шаҳрида Европа Кен-гашига аъзо давлатлар та-шки ишлар вазирлари анжумани бўлиб ўтди. Унда Европа Кенгашига кирган мамлакатлар ўр-тасидаги муносабатлар ҳамда бугунги кунда Евро-пада содир бўлаётган сиёсий муносабатларни ҳал қилиш масалалари му-ҳокама этилди.

Жаҳон ахборот агентликлари ҳабарлари асосида.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Федерация кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова олиб борди.

Раёсат «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йили амалга оширилган чора-тадбирлари дастури» тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Тасдиқланган дастур оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, оиланинг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, соғлом, ақл-заковатли ёш авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишда касаба уюшмалари Федерациясининг кенг қамламли иштирокини кўзда тутди.

Раёсат «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари муҳарриратининг иши тўғрисида»ги ҳисоботни тинглаб, муҳокама қилди ва тегишли қарор қабул қилди.

Касаба уюшмаларининг Наманган вилоятидаги идоралари оммавий жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлар кўриб чиқилди, бу борадаги фаолият етарли эмас деб топилди. Касаба идораларига манфаатдор ташкилотлар билан бирга физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни

ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди. Касаба бадалларининг 15-20 фоизини шу мақсадларга ажратиш белгилаб қўйилди.

Раёсат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги касаба уюшмалар курортлар бошқармаси Низомини тасдиқлади ва касаба уюшмалари курортлари бошқарув аппарати ходимлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, касаба сўхатдоҳлари бош шифокорлари, уларнинг уринбосарлари ва бошқа ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ишда коллегиялик принципларини мустаҳкамлаш ва касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раҳбарияти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, жорий масалаларни ўз вақтида ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг Ижроия комитети ташкил этилди ва унинг ваколатлари белгилаб қўйилди.

Шунингдек, мажлисда касаба уюшмалари фаолиятининг бошқа муҳим масалалари ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Раёсат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Дилбар Фуломова иштирок этди.

Ишларимиз бесамар бўлмасин

«МЕҲНАТОБОД»ГА НЕ БЎЛДИ

Халқимизда «ишнинг ўзини билгунча кўзини бил» дейишади. Зеро, режалар, аниқ бир мақсадга қаратилган меҳнат ютуқларга бой бўлади. Аммо Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги «Меҳнатобод» деҳқон-фермерлар уюшмаси деҳқонлари бир неча йилдирки, ер чизиби қолаятти. Хўжалик раҳбари, мутахассислар ўзгарди. Лекин мурод ҳосил бўлмади.

«Меҳнатобод»га не бўлди ўзи? Бир пайтлари бу ерга раҳбарлик қилган ота-бона Норчаевлар қолоқлик ҳелигини билмай ўтишди. Айни чоғда аҳолини унглаш учун шу сулола вакили Уткир Норчаевга ишонч билдирилган. Ер ҳам ўша, одамлар ҳам. Бироқ, оғир қарвонини сира жойидан жиддириб бўлмади. Биз хўжаликда бўлиб чўлқуварлар суҳбатини олдик. Бугунги кун ташвишлари, анги хосилга яратилган замин билан танишдик.

Улар учун ўтган йили 18 миллион 104 миң сўм иш ҳақи тўлашни лозим эди. 10 миллион сўм тарқатилган. Бунинг 3 миллион сўмини пахта йиғим-теримида иштирок этганлар олиб кетишган. Шу ўринда айрим фикрларни ўртага ташлаш даркор. Чунки бу ҳақда бугун бош қотирилмаса, эртага кеч бўлади. «Меҳнатобод» ширкатлар уюшмаси ўтган йили жами 874 тонна пахта тайёрлаган. Бу йиллик режанинг 35,51 фоизини ташкил этди. Хосилни саранжомлашда хўжалиқдан 300-400 киши қатнашган. Асосан четдан ҳашарчилар жалб этилган. Улар учун ҳар кун 1 та автобусга 5 миң сўмдан маблағ сарфланган. Йиғим-терим мавсуми давом этган икки ой мобайнида ҳамшарчилар транспортни харажати 12 миллион сўмин ташкил этди. Бу чўлқуварларнинг қарий бир йиллик иш ҳақи қулониши ушлаб кетди, дегани. Аҳоли шу тарихда давом этаверса, «Меҳнатобод» инкироздан чиқиси мумкинми? Аслида ҳам хўжаликка ҳашарчи керакмики? Энг ёмони бу ерда яшовчи аҳоли четдан келиб худудларидаги хосилни бировлар йиғиб-териб беришига ияқ сўиб қолган. «Меҳнатобод»да муаммолар билан ҳал этишга интилоқда. Мана унинг ҳам фикрини эшитиб кўри-

ди. Бу йил бошқарув тизимини ўзгартирдик, - дейди Уткир Норчаев. - Амалда бўлган ширкат усулида ишлашдан воз кечиб ерни деҳқон-фермер хўжаликлари ихтиёрига топширганмиш. Хўжалик бошқаруви тизимида ҳам анча ўзгаришлар бўлди. Асосий экин майдонини 6 та деҳқон-фермерга шартнома асосида тақсимладик. Барча хизмат турлари марказлаштирилган усулда ташкил этилди. Хўжалик юритиш ҳисоб-китобини молиявий ҳисобот маркази фермер хўжаликлари ҳисобчилари билан ҳал этишди.

Режалар қўйилгача хуш ئەкди. Бироқ гап уни амалга оширишда. Негаки хўжалик майдонларининг асосий қисми шўрланиб кетган. Бу ерда 1 центнер маҳсулот тайёрлаш учун 19 киши кунин сарфланаётганлиги ҳам чўлқуварлар меҳнатининг энгил эмаслигини кўрсатиб турибди. Энг ачинарлиси, ерларнинг захини қочиршига мулжалланган мавжуд 67,7 километр очик зовурларнинг қарий ярми яроқсиз холга келиб қолган. 333 километрлик ёпиқ зовурларнинг 70 километри ишдан чиққан. Ташмирлашга эса хўжаликда на маблағ на имконият бор. Яна қушимча 6 километрга зовур қуриш талаб этиляпти. Хуллас, муаммолар етарли.

Қадимий чўлнинг энг шўрхок майдонлари бўлган бу ерларга ёрдам керак. Чунки меҳнати, захмати ун баробар ортқ бўлса-да, натижа паст. Ер унумдорлигини оширишга ортқча қўл меҳнатига барҳам бери-мас экан, қолоқлик чекиниши гумон бўлиб қолаверади.

«Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари вакили ҳузурида

ФАҚАТ ШАХСИЙ МУАММОЛАР ЭМАС

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Эксперт Кенгаши ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Котибият, шунингдек, ноҳукумат ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан инсон ҳуқуқлари мониторинги соҳасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг турли тоифалари ўртасида ахборот-маърифат фаолиятини амалга ошириш, Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳалқаро ҳужжатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш.

1997 йилда Вакил томони-дан Инсоннинг конститу-циявий ҳуқуқ ва эркинлик-ларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг, Олий Мажлис кўмиталарининг аъзолари, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, ҳуқуқчи муҳофа-за қилиш органлари, жамоат ташкилотлари, инсон ҳуқуқ-лари бўйича бошқа миллий ташкилотлар вакиллари билан биргаликда Жиззах вилояти-да «Фуқароларнинг му-ро-жаатлари тўғрисида», «Фу-қароларнинг ҳуқуқлари ва э-ркинликларини бузган ҳа-т-ти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунларга, Тошкент вилоятида хотин-қизларни камситишнинг бар-ча шаклларидаги қонвен-цияга қўшилган. Сирдарё вилояти доирасида ушбу қонвенцияга риоя этилиши текширилди. Бир қатор иш-лар ижобий баҳоланди, шу билан бирга камчиликлар руй-рост очиб ташланди. Чунинчидек, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда хо-тин-қизларнинг ролини оширишга етарли эътибор берилмапти, аёлларни иш билан таъминлаш масала-сида ҳам талай камчилик-лар бор. Мактабгача бола-лар муассасалари ва мак-таблардаги кунли узайтирил-ган гуруҳларнинг камайиб кетганини тўғайли хотин-қизларнинг оғайна юмуш-лари билан бирга меҳнатни қўшиб олиб боришларида қийинчилик туғдирапти.

(Давоми 2-бетда)

«УНИВЕРСИАДА-98»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида «Универсиада-98» Республика студентлар спорт уйинларига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш ташкилий кўмитасини йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раисининг ўринбосари, «Универсиада-98» ташкилий кўми-

таси раиси О.Мухиддинов ва кириш сўзи билан очди.

Республика касаба уюшмалари жисмоний тарбия спорт жамияти Марказий кенгашининг раиси В.Бойко «Универсиада-98» республика студентлар спорт уйинлари финал мусобақаларига тайёргарлик

қуриш ва уни ўтказиш тадбирлари хусусида ахборот берди.

«Универсиада-98»нинг финал уйинлари Са-марқанд шаҳрида 19-23 май кунлари бўлиб ўтди. Ташкилий кўмита мажли-сида Ўзбекистон Республи-каси Давлат жисмоний тар-бия ва спорт кўмитаси ра-

сининг биринчи ўринбосари Ш.Тулаганов, Республика халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси И.Абдулганиев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бўлим муди-ри А.Султонов ва бош-қалар «Универсиада-98» студентлар спорт уйинла-рини намунали ўтказиш юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билди-рдилар.

Ийгилишда «Универсиада-98» спорт уйинла-ри судьялари тасдиқлан-ди.

Б.СОЛИХОВ.

1998 йил — Оила йили



Одабийлик сабоқлари

Ризоуддин ибн Фахриддин

АНГЛАМАЙ ЎҚИМОҚ БЕСАМАРДИР

Улуғ халқларнинг улуғи ота-она устида бўлган бола ҳаққидир. Бола ҳақи учун ота-она ёки булар ўрнида бўлган валийлар дунёю охиратда масъул бўлувлар. Шунинг учун бу ҳақларни билмоқ ва зарур вақтда адо этмоқ фарз бўлар. Ҳаққини бермаган ота-она тортарга ҳам, омон сурурга ҳам ярамагани каби, тарбия беришмаган бола ҳам бирор ишга ярама-мас. Инсон тарбия беришмаган инсон бўлар. Аммо тарбия беришмас, ваҳший ҳайвондан-да тубан бир жонивор бўлиб қолар.

Бола ёш вақтида ҳар турли тарбияга қобил бўлганидан, бу вақт улуғ ғаниматдир. Шунинг учун болани вақтида тарбия қилиш лозим. Бола ҳеч бир уруғ-бугдой сочилмаган оқ қорғоз бўлиб, қандай уруғ сочилган бўлса, шундай экин-хосил берар, қандай ёзилган бўлса, шундай ўқилар. Бола, агар гўзал тарбия беришса, эзгу, дунё ва охиратда масъуд бўлуру ҳар бир яхши ишларидан тарбия этувчиларга гўзал ҳиссалар қўшар. Агар бунинг аксича, бузуқ тарбия беришса ёки ҳайвонлар мисоли ташландиқ ҳолда қолдирилса, бечора бола ҳалок бўлар, гуноҳи эса валийлар устига ёзилар.

Бола тарбия этувчилар энг ёш чоғидан бошлаб болага яхши-ю ёмон нарсаларни билдиришлар. Хусусан, тозаланиш билмоқ одат этдиришлар. Ақллари етуқ бўлганда табиий нарсаларга ҳам эҳтиросликни саф қиларлар. Масалан, иморату юртлар, тоғу тошлар, чашма-ю жилгалар, ер қўқ, ойу қуёш, ёлғиру қор, бўрону шамол каби нарсалар ҳақида қисқа-қисқа бўлса-да маълумот баён этарлар.

Бундан сўнгра Куръони шарифу ҳадисдан янги ва қисқа бўлганларнинг маъноларини аниқлаб, буюк олимлару машҳур файласуфларнинг мақола-ларини сўзларлар ҳамда Ҳикмат тарихининг энг муҳим моддаларидан хабардор қиларлар. Ибратни ўз ичига олувчи ҳикоятлару мисоллар сўзлаб, биргаликда муҳокама этарлар. Лозим этиқодларни сағаб эътиқодига мувофиқ равишда оқишларлар, фарз, ҳаром, вожиб каби ислом ҳукмларини билдиришлар.

Дин инсонларнинг ху-

лқларини гўзаллаштиришга, дунёю охиратларида бахтли бўлмоқларига сабаб бўлганидан, вақти келганидан сўнг бу тўғрида мусоҳала ожиз бўлмас. Дин усулини билганларидан сўнг болаларни қандай мактабларга беришса ҳам, иншооллоҳ адашмаслар.

Дин тарбияси берилганда Аллоҳ Таолонинг марҳаматли-ю, қудратли, барча нарсани яратувчиси эканлигини, ризқларимизу туташ оқиб турган сувлар, ҳар турли ҳайвонлару жумла инсонлар Аллоҳ Таолонинг махлуқлари эканини аниқлаш лозим.

Англамай ўқимоқ ва англамаган нарсаларни ўргатмоқ сабабидан болаларнинг эҳтирослик қисилар, гайратлари сўнар. Агарда бу тарихи дин тарбияси берилса, диндан улуш ола олмас, балки диндан муҳаббатли сўнар. Шунинг учун сабоқ бошлаган болаларга «имкон шартлари» деб охирига қадар «қалима-йи таййибани» ўргатмоқ ва «Ҳафтияки шариф»ни ҳижжалатиб ўқитмоқ тарбия усулига ҳилофдир. Болаларга берилажак тарбиянинг энг кераклиси - уларни гўзал одатларга ўргатмоқ ва одатларни севиб бажармоқ ҳолига келтирмоқдир.

Поклигу уйқудан эрта турмоқ, ҳар бир ишни бир қоидага биноан бажармоқ, танни мумкин қадар хасталик сабабларидан сақламоқ, от устида юришни, сувда сузишни билмоқ, ёзувни кўрмаку дуруст ёзмоқ, сўзни адаб билан сўзламоқ, суҳбат у мажлис адабларини ўрнига келтирмоқ, рост сўзлаш бўлмоқ, вақтида намозларни ўқимоқ, Ватану миллатни севоқ, гайратли-ю фидокор бўлмоқ каби фазилатлар гўзал одатлардир.

Болаларни гўзал тарбия этиш учун тарбия этувчи ота-онанинг ёки валиларнинг ўзлари тарбияли бўлмоқлари шартдир. Агарда улар берадиган тарбиялари билан ўзлар адабли бўлмасалар, умрбод тарбия этсалар ҳам бир фойдаси қурилмас. Ростлик билан тарбия этмоқлари болаларнинг рост сўзлаш-ю, ҳар ишларида тўғри бўлмоқларига ва ёлғон сўзлар билан тарбия этмоқлари болаларнинг ёлғончи бўлмоқларига, қаҳри дуо этмоқлари болаларнинг бахтсиз бўлмоқларига сабабдир. Икки тарбия этувчининг бир-бирига ҳилоф равишда тарбия этган-

Ибратли ҳикоятлар

АВВАЛ ҚЎШНИ

Ҳазрат Имом Ҳасан шундай ривоят қилибдилар:

- Мен ёш бола эдим. Жума кунларининг бирида онам кечки намоз билан машғул эдилар. Намозларини тамомлаб тасбеҳларини ўғриб бўлгач, қўшнилари ва барча инсонларни дуо қила бошладилар. Намозларини тугатгач, онамга юзланиб дедим: - Эй, хурматли волидам! Нега ўзгаларни аввал дуо қиласиз, ўзимизни эса охирида, оғина дуо қилдингиз.

Онам ярим табассум билан дедилар: - Ўғлим, хайру эҳсон ва дуо аввал кўни-кўшидан, ўзгалардан бошланади. Кейин дуога ўзимизни ҳам қўшиш мумкин.

Кўлимга қалам олиб ёзишга ундаган мавзу баъзиларнинг эътирозига сабаб бўлиши мумкин. Биз келишни ўз қизидек кўраётган, ўша хонадонга келин бўлган қизнинг «пешонаси ярқираган» эканлигининг кўп гувоҳи бўлганмиз, эшитганмиз. Лекин ҳаёт доимо қарама-қаршиликлардан иборат бўлганидек бир йил ўтар-ўтмас ранглар сарғайган, озиб-тўзиб бир ҳол бўлиб юрган келинлар ҳам учраб туради. Тўғри, бунга баъзи ҳолларда оилавий можароларга келиннинг ўқувсизлиги, ширинсўз эмаслиги қийинчиликларга чидаёлмай ота-онасиникига кетиб қолишлари сабаб бўлиши мумкин.

Ҳаётда уйига қайтиб келган келин билан анча суҳбатлашиб ўтирдик. - Мана кўриб турибсиз, икки болам билан 8 ойдан бери уйданман. Қайнонамникида тўрт йил яшаган бўлсам, кўрмаган куним, тортмаган азобларим қолмади. Емонлашмасу, лекин айтсам барибир ишонмасиз.

Кечаси икки болани ювиб тараб ухлатганимча соат ўн икки бўлади, кейин мен ҳам шундай тўшаққа чўзилмаману, қандай тоғ отанини билмай қоламан. Ёз кунлари тонг сарҳатдан эрталаб ҳали соат беш бўлмасдан уйқудан турман. Уйдаги ҳамма иш меннинг зиммамда. Юмушларни қилиб бўлганимча кун тиккага келган бўлмайди. Ишонасизми кун тиккага

келгунча бир тишлам нон ҳам еб олмаман. Чунки бу юмушларнинг барини тугалламагунча чойга ўтириш йўқ. Лекин оиланинг бошқа аъзолари уйқудан турибқ нонушта қилишади. Орада мени ҳам қақариб қўйишади. Лекин биласиз-

ни қилиб яна ўша табассумга эришарман. Булар вақтинчалик ўтиб кетади, дейман юпатган бўлиб. - Шунанга дейсиз, сиз уларнинг хизматини олиб-тирилиб қилсангиз-у, хатто ейдиган овқатингиз миннатли бўлса? Ахир хиз-

Шундан сўнг мен ўзимни бегонадек, омонатдек сеза бошладим. Болаларимнинг отаси кўп келди. Ишонасизми, кўнглим шундай совиб кетганки, у ерга қайтиб боришни уйласам дарду дунём қоронғилашиб кетади. Тўғри, баъзилар айтиши мумкин, 2 та боланг тирик етим бўлади, чида деб. Лекин «табиб табиб эмас бошидан ўтказган табиб». Хўп, мен эримни болаларимни уйлаб у ёққа қайтиб бордим, дейлик. Унда мени ким уйлайди.

- Энди нима қилмоқчисиз?

- Худого шукр, турмуш ўртоғим мени тушунади. Яқинда бошқа жойга чиқиқ кетамиз.

Мен унга бирон нарса деёлмайман. Унинг аҳолини кўриб барибир ён босгим келади. Бу ёзганларимиз кимгадир ёқмаслиги мумкин. Бу билан қайноналарни қоралаш эмас, улар оналаримиз қаторида оналаримиз. Лекин бу дунёда яхшининг ёмони, совуқнинг иссиғи бўлганидек шундайлар ҳам учраб туради. Балки улар сизнинг кўнглингиздир, балки яқинингиздир. Зеро қайнона ҳам оналаримиз. Уларнинг ҳам жондан азиз қилари кимнингдир эшигига келин, бас шундай экан, келинни ўз фарзандидай, ардоқлаб авайлашга, онасининг ўрнини босишга нима етсин! Ахир қайнона-она-ку.

Б.СУЛТОНОВА

ҚАЙНОНА ОНА (МИ?)

ми, чиндилдан, самимий эмас. Нонуштага ўтирганимда, дастурхонда балки ишонмасиз, ярим пиёлагина мураббо қолади. Бир тўрма нон билан ўша мураббони зўрга ейман. Балки уйлашнингиз мумкин, ўзингиз олиб чиқсангиз бўлади-ку, деб. Келин бўлиб туриб бирон марта ичкарига кириб шакер ёки бошқа нарса олиб чиқиб еёлмайман. Ҳамма нарса ни улар ўзлари ўлчаб чилан бўлиб қўйишади. Чиқариб қўйган бўлса ейман, бўлмас чиқариб қўйишларини кутман. Бошида бунга ҳеч кўниқолмасдим.

Агар тонг саҳарлаб то тушгача тиним билмай хизматни қилсам, қайнонам юзиде табассум аримайди. Лекин ярим соатгина дам олиш учун уйга кирсам бўтунлай бошқа манзара бўлади. Қайнонамнинг қовоғи солиниб кетади. Қайнонамнинг қовоғини очиб учун, анча узокдан елкам узилиб сув ташийман. Елиб-юғриб, йўқ ишлар-

маткорни ҳам қилган иши учун қоринни тўйдирасиз-ку! Ахир мен улар учун хизматкор эмас, фарзандининг орқасидан борган фарзанди қаториман. Менам кимнингдир авайлаб ўс-тирган қизиман. Турмуш ўртоғим билан севишиб турмуш қурганимизни биласиз. Учрашиб юрган пайтимизда ҳеч қачон бир-биримизга қаттиқ ёки қовоғимизни уйиб гапирмаганмиз. Лекин у ерга келин бўлиб борганимдан кейин, икковимиз алоҳида телевизор кўриб қолсак ҳам таънали қарашлар остида қолиб кетардим. Турмуш ўртоғим ҳам уйдагиларнинг олдида менга умуман эътибор бермас, худди бегонадек тутарди ўзини. Бир кун, нега унингиздагилар олдида хатто менга гапиргани ҳам истамасиз, деганимда «акаларимни кўрданимми, келин оймилар билан оила аъзоларининг олдида гаплашмайди, бунга уйдагилар ёқтиришмайди» деганди.

Ота-оналар бурчаги

ди. Улар ўртасидаги ҳамкорлик болаларини билимли ва одобли қилишдан иборат. Мактаб, оила, жамоатчилик ҳамкорлиги бошланиши натижасида болалар тарбияси шакллана боради, дунёқараши ўсади. Киши жамоатчиликдан ажралиб яшаса унинг фикрлари тарайиб, ўтмасланиб, ёввойилашиб боради. И.Гёте деган эдики, «Киши узлатда яшай олмайди, унга жамоат керак». Жамиятдан ажралган инсон табиат жониворига айланади. Инсон жамият орасида яшаб, фаолият кўрсатса, ҳар томонлама камолотга эришади. Ҳамкорлик, ўзаро ҳамфикрлик, маслаҳат, ибрат, мадад, кўннинг ақли билан иш тутиш, халқимиз эришган тарбия борасидаги кўп йиллик тажрибалар маъна-

ри барча тарбия, ҳунар ўргатувчи ташкилотлар вакиллари ҳам бола тарбияси иши учун жавобгар ҳисобланади. Ёшларимиз тарихнинг яратувчилари, бўлажак ота-оналардир. Улар тақдир учун давлатимиз чексиз ғамхўрлик кўрсатмоқда. Чунки ёшлар ёмон тарбияланса, келгусидаги кўз ёшларимиз, қайғу аламларимиз, келажак жамият олдидаги катта хатомиздир. Оилалар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзан болаларни боқиб, кийинтириш бизнинг бурчимиз, билимни, тарбияни мактаб берсин, деб қарайдиган ота-оналар ҳам топилми қолади. Ахир оиладаги тарбия самарасига қараб, ўғри ҳам, жиянотчи ҳам, бўлажак арбоб ҳам, олим ҳам етишиб чиқади. Бунга унуттишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Бола ҳали заиф, ҳимояга, ёрдамга, тарбияга муҳтож, ундан келажакда ким бўлиб чиқиши ҳаммаси оила, мактаб, жамоатчилик тарбияси самарасига боғлиқ.

МАҚСАД МУШТАРАК БЎЛГАЧ...

вий мактаб бўлиб хизмат қилади. Мактаб давлатнинг асосий таълим — тарбия муассасаси сифатида оилавий тарбияга қучли таъсир кўрсатади, ота-оналар эса мактабнинг талабларига амал қилишлари зарур. Ўз навбатида оилалар мактабга катта ёрдам бериши лозим. Шундангина ёшларнинг билимларини ўзлаштириш, ҳулқ-атвори яхшилашнинг боради, фаоллашади, билимларга иштиёқи ортиб боради.

Оиладаги яшаш тарзи қандай бўлса, болада у ўз изини қолдиради. Агар оилада ростгўйлик, самимийлик, камтарлик, меҳрибонлик, ўзаро ҳурмат йўлга қўйилган бўлса болаларда ҳам шу сифатлар таркиб топиб боради. Агар оилада бунинг акси бўлса болада ҳам шу белгилар шаклланади. «Нима эксанг, шунга урасан» деб бекорга айтилмаган. Тарбияда ҳар бирининг, ўз ўрни, оиланинг ҳам, мактабнинг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам вазифаси бор. Ота-она ҳамма вақт боланинг биринчи тарбиячилари бўлиб қолади. Билим, ҳунар ўрганиш билан бирга оиладаги тарбияни чуқурлаштиришда мактаб асосий ўрнини эгаллайди. Жамоатчилик эса маҳалла, қасаба уюшмалари, мактабдан ташқа-



О... атиргул.

А.НАРЗИКУЛОВ сурати.

ҚИТМИР ҲАМСОЯ

Бир кун бир киши Расулulloҳ қошига келди ва ўзига азият бераётган қўшнисидан шикоят қилди. Расулulloҳ дедилар: - Сабр қил! Халиги киши бир неча ҳафтадан кейин яна келди ва Расулulloҳга арз қилди.

Расулulloҳ: «Сабр қил!» дедилар. У киши қўшнисининг ёмонликларидан ожизланди. Кейин учинчи бор Расулulloҳ қошига келиб, қўшнисининг қирқдорларини айтди.

Бу сафар Расулulloҳ унга дедилар: - Ҳозир жума намозида ҳамма йиғилади, эшитгини очиб қўй. Намозга келаятган ҳар бир киши қўшнининг ишларини кўрсинлар.

У киши кетди ва Расулulloҳ айтганларидек қилди. Одамлар қўшнининг ёмонликларини кўришиб, ҳар томондан унга танбех бердилар, панд-насихат қилдилар.

Емон қўшни ўз ишларидан пушаймон бўлди, кейин қўшнисининг уйига чиқиб, ундан ўз сўради. Аллоҳ номини тилга олиб, бундан бўён яхши муносабатда бўлишни айтди.

Ислолда қўшничлик, қўшнининг ҳақ-ҳуқуқлари борасида яхши қоидалар мавжуд. Узини хурмат қилган ҳар бир киши ўзганинг қадрига етиши керак. Аммо инсонлар борки, инсоф чегарасига риоя қилмайдилар. Ҳадисларда келтирилишича, қўшничликнинг ҳам чегараси бўлади. Расулulloҳ икки бора «сабр қилгин» дедилар. Чунки ҳар қандай одам ҳам инсофга келиб қолиши мумкин. Хулоса қилиб айтганда ҳар бир инсон эзгуликни ўзига шиор қилиб олмоғи керак.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

Болаларингиз билан бирга ўқинг

Pokiza xulq

(hikoyat)

Bilginki, inson xilqati bilan ikki yo'lga yurishga qodir. Avvalo u o'z felini yaxshilashi, xulqini poklashi, qalбини musallif qila olishi, yoki yomon fellarga o'rganib, razolat botqoq'iga botishi mumkin. Inson yoshligidan shu ikki yo'lning qay biriga moyil bo'lsa, bora-bora bu fe'llar uning tabiatiga mustahkam ornashib boraveradi.

Inson o'z-o'zini poklashi uchun doimo ulug'likka yetkazivchi, saxovatni barpo qiluvchi, azizlik keltiruvchi xislatlarini egallashga intilishi va bularni kamaytiruvchi fe'llardan uzog'lashish yo'lini qidirishi lozim. Bunday xislatlarga ega bo'lishda esa, avvalo ota-onaning tarbiyasi va ta'siri kuchli bo'lishi zarur.

Hikoyat. Oq qalbi sher bir kuni sichqonga yaxshilik qilgan edi. Oradan bir necha kunlar o'tib, sher tasodifan domga tushib qoldi. Sherning yaxshiligini eshitgan chiqarmagan tez-fahm sichqon o'tkir tishlari bilan dom tugunlarini qirib, o'z najotkorini domdan xalos qildi.

Alisher YO'LDAŠHEY tayyorladi.

Bir kosib o'g'liga:

- Men qarib qoldim, endi xojalikni sen boshqarasan, ishla, pul top!

- dedi.

Bola nima qilishini bilmay onasiga uning qaplarini aytdi. Onasi esa:

- Hali yoshsan, qayerdan ham pul topib xo'jalikni boshqarasan, - dedi va unga o'zroq pul beribdi.

Bola sevinganicha otasining oldiga keli-

- Otajon, mana, pul topib keldim, - dedi.

Shunda ota bolaning qo'lidagi pulni olib o'tga tashlabdi. Bola xo'rsimidi, lekin indamay yana pul topish dardida ko'chaga chiqibdi. Har qancha urinmasin pul topa oimabdi. Yana onasining oldiga kelibdi.

Onalarning ko'ngli nihoyatda yumshoq bo'ladi. Ona o'g'liga yana pul beribdi. U esa sevinib otasining oldiga yugurib kelibdi va:

- Otajon, mana pul topib keldim, - dedi.

Otasi indamay pulni olibdi-da, yana o'tga tashlabdi. Bola mulzam bo'lib

ko'chaga chiqibdi, uzoq yuribdi. Qarasa bir kishi imorat qurayotgan ekan.

- Assalomu alaykum, amaki, - debdi bola.

- Vaalaykum assalom, kel-ke!, bolam, - debdi.

Bola xursand bo'lib darrov q'ishtlarni tashishga yordamlashibdi. Buni ko'rgan haligi kishi sevinibdi, uni maqtadib. Issiq ovqat, choy beribdi. Bola to imorat bitunicha shu kishiga yordamlashibdi. Bolaning ishidan mamnun bo'lgan kishi unga o'n ikki tanga berib, rahmat aytibdi. Bola xursand bo'lib uyiga qaytibdi.

- Otajon, mana pul olib keldim, - debdi.

Odatdagidek, ota tangalarini olib o'tga tashlayotgan ekan, bola dard deb otasining o'liga yopishibdi. Shunda ota:

- Balli bolam, ana endi xo'jalikni boshqarish qo'lingdan keladi, - deb duo qilibdi. Bola ham qadoq qo'llarini achib otasining duosini olibdi.

Sadoqat FAYZIEVA tayyorladi.

Ota duosi

ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАР

Гавҳар Шод Бегим Амир Темурнинг туртинчи угли Шохрух Мирзонинг суюкли катта хотини эди. У Гивсиддин Тархоннинг қизи эди.

Гавҳар Шод Бегим 1379 йилда туғилиб, 1393 йилда Шохрух Мирзо никоҳига қирган. Ундан уч уғли икки қиз курган. Тунгич угли — Улугбек Мирзо Курагон (Муҳаммад Тарагай, 1394-1449), уртанча угли — Бойсунгур Мирзо (1397-1433) ва кичик угли — Муҳаммад Жуки Мирзо (1401-1445) лардир.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Гавҳар Шод Бегим юксак дид-фаросати, оқила, тадбиркор, суҳандон, бир сузлик-қатъийли, хусн бобида ҳам беназир аёл булган. Табиатан мутаассиб диндор Шохрух Мирзо кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларди. Салтанат, девон ишларини уқтам ва тадбиркор хотини Гавҳар Шод Бегим бошқарарди. Бу зийрак аёл қайнотаси Амир Темур вафотидан сўнг, секин-аста салтанат ишларини ўз қўлига олади. Зотан, Шохрух Мирзонинг узи ҳам хотини Гавҳар Шод Бегимнинг донолигига тинч берад, салтанатни бошқаришда оқилана ва тадбирли маслаҳатларига эҳтиёж сезиб турарди. Шу боис, салтанатда доир кўпгина ишлар маликанинг назар-эътиборига ҳавола қилинган. Вилоятларга ҳоким тайинлаш, қўшнларга ҳоким қўйиш, салтанат саркарда белгилаш, ҳатто қимга қандай инъом ва қимга қандай жазо бериш масалалари ҳам маликанинг инон-ихтиёрида эди. Масалан, 1440 йил 6 майда машҳур Хирот тарихисини (кейинчалик сароф тарихисини) Фахриддин Хавофий (1375-1442) малика Гавҳар Шод Бегимнинг газабига учраб, икки мартаба қисқа муддатли қамоққа ҳукм қилинади.

Гавҳар Шод Бегим Шохрух Мирзонинг ҳарбий юришларида иштирок қиларкан, шаҳзодаларнинг феъл-атвори ва ҳарбий бошлиқларнинг хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб турарди. Тахтта валиҳад тайинлаш масаласида ҳам Гавҳар Шод Бегим ўз иродасини ўтказишга уринарди. Чунки, Шохрух Мирзо узининг кенжа угли Муҳаммад Жуки Мирзонинг Валиҳад элиб тайинлашга ҳақлиқ қиларди. Бироқ, Шохрух Мирзонинг бу режаси маликага ёқмади. Малика ўз угли Муҳаммад Жуки Мирзога нисбатан набираси Ало-уд-Давла Мирзо (1417-1461) ни валиҳадликка муносиб, деб биларди. Аммо уртанча угли марҳум Бойсунгур Мирзонинг угли Ало-уд-Давла Мирзонинг ошқора валиҳад элиб тайинлашга тунгич угли Улугбек Мирзо Курагондан ҳайқар, бу масалани Шохрух Мирзо қўли билан ҳал қилишга уринарди.

1444 йилда Шохрух Мирзо оғир хасталаниб, улим тушади. Ҳаттода, арқони давлат ҳукмдорнинг тез фурсатда оламдан куз юмишига ишончлари қомил булган. Балх вилоти ҳокими бўлиб турган Муҳаммад Жуки Мирзога шошилди хабар юборди. Шаҳзода зудлик билан Хиротга етиб келди. Бироқ шаҳзода етиб келгунча, онаси малика Гавҳар Шод Бегимнинг фармонида мувофиқ, ҳарбий қўшинлар сардори Жалолиддин Ферузшоҳнинг валиҳадликка тайинланган Ало-уд-Давла Мирзога бай-

шифохона ва шунга ўхшаш иморатлар бунёд этиш билан шаҳар ободончилигига ўз хиссаларини қўшадилар. Табиатан ватанпарвар, билимдон ва зукко Гавҳар Шод Бегим мамлакат равнақи йўлида тинмай гамхурлик қиларди. Унинг дастурида маданий ва маърифий ҳаёт биринчи уринда булган. Шу боисданми, фарзандлари ҳамда барча набиралари илм-фан муҳлислари бўлиб, ҳатто газал ҳам битганлар.

Гавҳар Шод Бегим Хиротдаги жуда кўп қурилиш ишларига раҳнамолик қилди. Унинг узи ҳам Хиротда иккита катта мадраса қурдирган. Гавҳар Шод Бегимнинг кун-


дул Латиф Мирзони ўзи билан бирга олиб, Хирот томон йўлга тушади. Маликани Жом шаҳрининг яқинидаги Саъдобод мазеида Ало-уд-Давла Мирзо қўли олади. Абдул Латиф Мирзони Хиротга келтириб, Ихтиёрдин қалъасига қамаб қўйишади. Шохрух Мирзонинг жасадини эса Гавҳар Шод Бегим мадрасасидаги Бойсунгур мақбарасига дафн қилди. 1448 йилда Улугбек Мирзо Хиротни вақтинча қўлга киритганда, отасининг жасадини Самарқандга келтириб, Гури Амрига дафн эттирди.

Шохрух Мирзо вафотидан кейин тахт учун бошланган кетган қонли можаролар тепасида Гавҳар Шод Бегим турарди. У невараси Ало-уд-Давла Мирзони тахт соҳиб қилиш учун макрухилалар ишлатса-да, бироқ ўз мақсадига эришолмади; қайтанга ака-ука шаҳзодалар орасида қонли тўқнашувларни вужудга келтирди. 1450 йилда эса тахтни Ало-уд-Давланинг укаси Абулқосим Бобур Мирзо (1422-1457) қўлга киритди.

1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо Машиҳадга келди. Саройда катта шохона зинафат берилади. Базм асосида шароб ичиб утирган ҳукмдорнинг аҳоли ўзгариб, беҳол йўқилади. Табиблар мулоҳазаси фойда бермайди ва у 36 ёшида тусатдан вафот этади. Шундан сўнг тахт учун яна узаро кураш бошланади. Шаҳзодаларнинг ноиттифоқлиги фойдаланган Самарқанд ҳукмдори Султон Абусайид Мирзо (1424-1469) Хуросонни босиб олади. Султон Абусайид Мирзо Самарқанд тахтини узининг катта угли Султон Аҳмад Мирзога (1451-1493) бериб, Хиротни узининг пойтахти деб эълон қилди. Бу вақтда малика Гавҳар Шод Бегим 80 ёшига яқинлашиб, анча қариб қолган эди. Бироқ қариб қолган малика Хуросон тахтидан ҳали ҳам воз кечмаган эди. Бинобарин, чевараси Султон Иброҳим Мирзони (1440-1460) ҳукмдор Султон Абусайид Мирзога қарши исён кутаришга ундайди. Маликанинг бу ҳаракатидан хабар топган Султон Абусайид Мирзо маликани қўлиб ташлашга фармон беради. Фармонга мувофиқ 1457 йил 31 июлда Гавҳар Шод Бегим қўлиб улдирилди ва узи қурдирган мадраса ёнидаги Бойсунгур даҳмасига дафн этилади.

Амакиси Улугбек Мирзодан ҳайқанга Ало-уд-Давла Мирзо узини подшоҳ деб эълон қилишга журъат этмади ва аввалгидек жума кунлари масжидларда бобоси Шохрух Мирзо номини кутбага қўшиб уқитарди. Бироқ, Абдул Латиф Мирзонинг кирдикорлари, айниқса бувиси Гавҳар Шод Бегимга нисбатан қўллаган жазосини эшитган, тахтни ўз тасаруфига киритди ва ҳазинадан қўшинга, қўшин бошлиқларига инъомлар улашиб, Абдул Латиф Мирзога қарши қўшин йўллади. 1447 йил 29 апрел шабаба кунини Абдул Латиф Мирзо Нишопур яқинида тусатдан Ало-уд-Давла Мирзо қўлинига дуч келиб, мағлубиятга учрайди ва узи асир олинади. Мағлубликдан озод қилинган малика Гавҳар Шод Бегим махбус Аб-

Спорт • Спорт • Спорт



Нафасовлар оиласини маҳалла-қўйдагилар «спортчилар оиласи» деб тилга олишади. Дарҳақиқат, шундай. Негаки, оилада икки ака-ука Улугбек ва Бехзод қаразт билан шуғуланмоқда, республикамиз ва халқаро мусобақаларда катнашишмоқда. Яқинда улар ўсимирлар ўртасида ўтказилган мусобақада голиб чиқдилар. Суратда: Улугбек ва Бехзод Нафасовлар.

А.ТўРАЕВ олган сурат.

ПЕШҚАДАМ ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Олий табақа футбол жамоалари 8-тур учрашувини ўтказишди. Турт уйин бир хил - 2:2 ҳисобида тугади. Мамлакатимизнинг турт қара кепиони «Нефчи» жамоаси Тошкент вилоти яқинида «Дустлик» жамоаси мекони бўлди. Мазлумки, «Дустлик» клуби ўртан йўлга нисбатан турт очко ортда қолаётган эди. Шунинг учун ҳам улар ўз майдонларида қандай бўлмасин ўз очко олишга ҳаракат қилдилар. Лекин «Нефчи» клуби дурангга эришди - 2:2 маъсум мусобақаларини анча дуруст ўтказаятган «Сурхон» жамоаси сафарда бир очкога эга бўлди. Улар турнир жадвалида ёнма-ён бораётган Навоий шаҳрининг «Зарафшон» жамоаси билан бўлган учрашувда 2:2 ҳисобида дуранг учиндилар.

Бекободнинг «Металлурги» клуби ўз ҳисобига биринчи дурангга эришди. Жамоа турнирнинг еттинчи погонасида бораётган «Хоразм» жамоасини қабул қилди. Бу уйинда ҳам дарвозаларга турт түп киритилиб, мусобақа 2:2 ҳисобида тугади.

МХСК ўз майдонида яна учрашувни бош берди. Улар Кўкўрнинг «Темирйўлчи» клуби билан бўлган мусобақада 4:2 ҳисобида енгилдилар. Қаршиннинг «Насаф» клуби ўз майдонидаги учрашувларни кўтарини руҳда ўтказяпти. Бу сафар улар «Анджон» жамоасини 4:1 ҳисобидан мағлубиятга учратдилар. Турт түпнинг иккитасини «Насаф» ҳужумчиси Рузқул Бердиев киритди. Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси футболчилари чемпионат медаллари учун астойдил кураш олиб боришапти. Улар саккиз учрашувнинг олтинчисини ўз фойдаларига ҳал этиб, икки уйинда бой берганлар. Тўлар нисбати 1:0. Ўтган турда Жиззахлик футболчилар Косонсойда «Косонсой» жамоасини 3:1 ҳисобида енгилди. Бу ғалабадан сўнг «Сўғдиёна» жамоаси турнир жадвалининг 3-погонасига кутарилиб олди. 2-уринда бораётган «Навбахор» клуби ҳисобида ҳам «Сўғдиёна» каби 1:0 очко бор. Наманганда 8-турнинг марказий тури «Навбахор» ва «Бухоро» жамоалари ўртасида бўлди. «Навбахор»нинг ёш уйинчиси Анвар Солиев бу сафар ҳам ўз жамоасига муҳим ўч очко келтирди. Мусобақанинг 14 ва 62-дақиқаларида Анвар Солиев буюроқлардан дарвозасига иккита түп киритишга муваффақ бўлди. Жавоб турини «Бухоро» клуби футболчиси Раҳматулло Фузайлов 24-дақиқада майдон эгалари дарвозасига йўллади. Ҳисоб яна ошиши мумкин эди. Бироқ «Навбахор» нинг ярим ҳи-

МХСК ўз майдонида яна учрашувни бош берди. Улар Кўкўрнинг «Темирйўлчи» клуби билан бўлган мусобақада 4:2 ҳисобида енгилдилар. Қаршиннинг «Насаф» клуби ўз майдонидаги учрашувларни кўтарини руҳда ўтказяпти. Бу сафар улар «Анджон» жамоасини 4:1 ҳисобидан мағлубиятга учратдилар. Турт түпнинг иккитасини «Насаф» ҳужумчиси Рузқул Бердиев киритди. Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси футболчилари чемпионат медаллари учун астойдил кураш олиб боришапти. Улар саккиз учрашувнинг олтинчисини ўз фойдаларига ҳал этиб, икки уйинда бой берганлар. Тўлар нисбати 1:0. Ўтган турда Жиззахлик футболчилар Косонсойда «Косонсой» жамоасини 3:1 ҳисобида енгилди. Бу ғалабадан сўнг «Сўғдиёна» жамоаси турнир жадвалининг 3-погонасига кутарилиб олди. 2-уринда бораётган «Навбахор» клуби ҳисобида ҳам «Сўғдиёна» каби 1:0 очко бор. Наманганда 8-турнинг марказий тури «Навбахор» ва «Бухоро» жамоалари ўртасида бўлди. «Навбахор»нинг ёш уйинчиси Анвар Солиев бу сафар ҳам ўз жамоасига муҳим ўч очко келтирди. Мусобақанинг 14 ва 62-дақиқаларида Анвар Солиев буюроқлардан дарвозасига иккита түп киритишга муваффақ бўлди. Жавоб турини «Бухоро» клуби футболчиси Раҳматулло Фузайлов 24-дақиқада майдон эгалари дарвозасига йўллади. Ҳисоб яна ошиши мумкин эди. Бироқ «Навбахор» нинг ярим ҳи-

«КАМОЛОТ»КУБОГИ
Жиззахда республика ёшлари «Камолот» жамоалари билан бўлган мусобақада 4:2 ҳисобида енгилдилар. Қаршиннинг «Насаф» клуби ўз майдонидаги учрашувларни кўтарини руҳда ўтказяпти. Бу сафар улар «Анджон» жамоасини 4:1 ҳисобидан мағлубиятга учратдилар. Турт түпнинг иккитасини «Насаф» ҳужумчиси Рузқул Бердиев киритди. Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси футболчилари чемпионат медаллари учун астойдил кураш олиб боришапти. Улар саккиз учрашувнинг олтинчисини ўз фойдаларига ҳал этиб, икки уйинда бой берганлар. Тўлар нисбати 1:0. Ўтган турда Жиззахлик футболчилар Косонсойда «Косонсой» жамоасини 3:1 ҳисобида енгилди. Бу ғалабадан сўнг «Сўғдиёна» жамоаси турнир жадвалининг 3-погонасига кутарилиб олди. 2-уринда бораётган «Навбахор» клуби ҳисобида ҳам «Сўғдиёна» каби 1:0 очко бор. Наманганда 8-турнинг марказий тури «Навбахор» ва «Бухоро» жамоалари ўртасида бўлди. «Навбахор»нинг ёш уйинчиси Анвар Солиев бу сафар ҳам ўз жамоасига муҳим ўч очко келтирди. Мусобақанинг 14 ва 62-дақиқаларида Анвар Солиев буюроқлардан дарвозасига иккита түп киритишга муваффақ бўлди. Жавоб турини «Бухоро» клуби футболчиси Раҳматулло Фузайлов 24-дақиқада майдон эгалари дарвозасига йўллади. Ҳисоб яна ошиши мумкин эди. Бироқ «Навбахор» нинг ярим ҳи-

лояти Ички ишлар бошқармалари спорт жамоалари ўзaro голибдор бўлиш учун кураш олиб боришди. Буларнинг олдига волейбол бўйича Тошкент шаҳри, учинчи уринини Сирдарё вакиллари эгаллашди. Д. ЮСУПОВ.

Нафосат бўстони
САНЪАТ АРДОҒИДАГИ УМР

Замонанинг илғор касбхонарини биринчилардан бўлиб эгаллаш кишига ҳамма вақт икки ифтихор тугунисини бағишлаб келган. Бизнинг Физика асримиз шундай мисли қўрилмаган кашфиётларга, илмий янгиликларга бой бўлдики, булар ўз навбатида илмий жаҳада ноанъанавий касбкорларнинг вужудга келишига туртки бўлди. Бундай илғор соҳаларда ишлаганлар эса халқ орасида обрў-эътибор, ҳурмат қозонди.

1910 йили Тошкентда туғилган Неймат Дўстхўжаевнинг тақдирини биз айтгандак янги касбхоналарнинг бир нечта тури билан бевосита боғлиқ келди. У кишининг дастлаб Улугбек номидаги рус-узбек мактабида тахсил ола бошлаганининг ўзи уша дарв учун илгорлик саналарди. Махаллий ақили онгини совет тузуми акидалари билан суғоришга йўналтирилганига қарамай, бу мактаблар дунёвий фанларни ўрганиши билан аҳамиятга бўлган. Мактаб даврида Неймат Дўстхўжаев мусиқа тўрагага катнашиб, чанг қилиш сирларини эгаллаб бошларди. Турт йиллик бошланғич таълимдан сўнг у киши Мунававкор Абурашидов ўстозлик қилаётган педагогика техникумига ўқишга кирди. Кейинчалик ўзбек халқининг машҳур санъаткорлари бўлиб етишган Шукр Бурхон, Ҳамидулла Наримоновлар бу даргоҳда бирга тахсил олди. Санъатга иштирокчи бўлганларнинг дастлабки «қанот қўқиш»ла-



рассомчилик билим юртига режиссерлик факультетига ўқишга кирди. Бу даргоҳда Тошхўжа Хўжаев, Оли Чернова, Отақуллов, Ахмедов деган тенгдошлари билан тахсил олади. 1956 йили Тошкентда телевидение очилган, қаҳрамонимизни биринчи режиссер сифатида ишга тақдир этишди. Янги жаҳада янги муваффақиятлар қозониш учун ва айниқса жамоатчилик кучи билан қўшни эътибор телевидение «кўтариш»да ижодий ҳодимлардан Ж. Абдуллахонов, Бобохўжаев, билим диктор Иқбол Олимхўжаева, Ю. Сталировалар бош-қош бўлишди. Бугунги ўзгаришларга бой, ёруғ кўнларимизни кўриб қаратиб туриб келди, дейди Убакистонда хизмат қўриган артист, халқ маорифи ва радио-телевидение вачосини, мустақил Ўзбекистоннинг Шўхрат медалли нишондори Неймат Дўстхўжаев. - Ҳозир ёшларимиз қаршида озлаб аҳолий касбхоналар, замонавий меҳнат турлари «менинг дастагимдан ушла» деб турибди. Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинган, ўз истиқболимизни яратиб ўз қўлимизга берилди, фарзандларим ана шу имкониётни қўлдан бой бермасликларни даркор. Албатта, бутун умрини шонли меҳнат билан ўтказган инсоннинг томирдаги қони доимо қизиб туради, уни янги меҳнат, янги гайратларга қорлайди. Қаҳрамонимизнинг ҳар бир гапидан куч-қувват, шижоатнинг сезилиб туриши ҳам шундан. Лобар ЙҮЛДОНЕВА, Нозир АЛИМОВ. Суратда: Неймат Дўстхўжаев Навоий образи қўйиб, Островский номидаги театр-

рассомчилик билим юртига режиссерлик факультетига ўқишга кирди. Бу даргоҳда Тошхўжа Хўжаев, Оли Чернова, Отақуллов, Ахмедов деган тенгдошлари билан тахсил олади. 1956 йили Тошкентда телевидение очилган, қаҳрамонимизни биринчи режиссер сифатида ишга тақдир этишди. Янги жаҳада янги муваффақиятлар қозониш учун ва айниқса жамоатчилик кучи билан қўшни эътибор телевидение «кўтариш»да ижодий ҳодимлардан Ж. Абдуллахонов, Бобохўжаев, билим диктор Иқбол Олимхўжаева, Ю. Сталировалар бош-қош бўлишди. Бугунги ўзгаришларга бой, ёруғ кўнларимизни кўриб қаратиб туриб келди, дейди Убакистонда хизмат қўриган артист, халқ маорифи ва радио-телевидение вачосини, мустақил Ўзбекистоннинг Шўхрат медалли нишондори Неймат Дўстхўжаев. - Ҳозир ёшларимиз қаршида озлаб аҳолий касбхоналар, замонавий меҳнат турлари «менинг дастагимдан ушла» деб турибди. Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинган, ўз истиқболимизни яратиб ўз қўлимизга берилди, фарзандларим ана шу имкониётни қўлдан бой бермасликларни даркор. Албатта, бутун умрини шонли меҳнат билан ўтказган инсоннинг томирдаги қони доимо қизиб туради, уни янги меҳнат, янги гайратларга қорлайди. Қаҳрамонимизнинг ҳар бир гапидан куч-қувват, шижоатнинг сезилиб туриши ҳам шундан. Лобар ЙҮЛДОНЕВА, Нозир АЛИМОВ. Суратда: Неймат Дўстхўжаев Навоий образи қўйиб, Островский номидаги театр-

Маданият
СУРАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасида Хиндистон мустақиллигининг 50 йиллигига бағишланган фото кўргазма очилди. Хинд маданиятининг бай тарихий мероси, урф-одатлари ва анъаналари, ҳозирги турмуш тарзини ўзида акс эттиручи ушбу кўргазмани Хиндистон ташқи ишлар вазирлигини ўринбосари Навилвар Девил ҳамда Хиндистоннинг мамлакатимиздаги факултетида ва мустоқил элчи Бадра Кумар очидилар. Кўргазмага Хиндистоннинг энг яхши фотографикларини турли маълуматлар рағ-баранг асарлари қўйилган. Пабло Партагалю, Данията Синх, Султон Пур, Амида Басриша ва Санчи Саидлар томонидан ўта маҳорат билан олинган бу суратлар ҳар бир томошабинда катта таассурот қолдиради. Дониёр ЮСУПОВ.

Ташкентский завод Резиновых
технических изделий
АО "ОМАД - РЕЗИНА"

ИЗГОТОВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:
СМЕСИ РЕЗИНОВЫЕ НЕВУЛКАНИЗОВАННЫЕ (сырая резина) различных марок.
ТЕХПЛАСТИНУ МВС, ТМКШ - С - гладкую и рифленую толщиной 1-10 мм, П-образные УПЛОТНИТЕЛИ, ШЛАНГИ, ТРУБКУ различных размеров.
ФОРМОВЫЕ РТИ (манжеты, кольца, уплотнители и различные РТИ для сельхозтехники, коврики автомобильные, пластиковые и детали резиновые для пиза рабочей обуви).
Также можем изготовливать любые РТИ по чертежам заказчика.
Все изделия выполняются с соблюдением ГОСТов, цены на 30% ниже рыночных.

«ПТС» ФИРМАСИ

КУЙДАГИЛАРНИ СОТАДИ:
САУНАЛАР УЧУН МАХСУС ДАВОЛАШ ЭЛЕКТР УС-КУНАЛАРИ;
КИЧИК НОНВОЙХОНАЛАР (4 килдаги: 160, 80, 32 ВА 8 БУХАНКА НОН ПИШИРИШ ҚУВАТГА ЭГА);
ЭЛЕКТР КАЛОРИФЕРЛАР — ИСИТГИЧ-ЛАР;
ХАМИР ҚОРГИЧЛАР;
ДУДЛАШ ВА КУРИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ;
ДИСТИЛЛЯТОРЛАР;
САНОАТ ЭЛЕКТР ПЛИТАЛАРИ.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Ғани Муллонов кўчаси 52/2
Тел: 34-27-58; 34-11-00,
факс: 23-47-83, пейджер (067) 4184

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри
С.Раҳимов метро бекети.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси кенгаш Матбуот ва ахборот шўба-сининг ҳодими Н.Рафикова падари бузрукворлари Исажон ОТАНИНГ вафот этганлиқлари муносабати билан чуқур ҳам-дардлик изҳор этади.

БОШ МУХАРРИР
УРИНБОСАРИ:
ЧОРИ
ЛАТИПОВ

БОШ МУХАРРИР
УРИНБОСАРИ:
ЧОРИ
ЛАТИПОВ

БОШ МУХАРРИР
УРИНБОСАРИ:
ЧОРИ
ЛАТИПОВ

БОШ МУХАРРИР
УРИНБОСАРИ:
ЧОРИ
ЛАТИПОВ

БОШ МУХАРРИР
УРИНБОСАРИ:
ЧОРИ
ЛАТИПОВ

БОШ МУХАРРИР
УРИНБОСАРИ:
ЧОРИ
ЛАТИПОВ